

«Билиб туриб билмасликка олиш» маъносини ифодаловчи ушбу шеърий санъат шоирнинг байтда акс эттириладиган бирон образли иборани аник айтмасдан ўзини билиб билмасликка олгандек кўрсатишини назарда тутди. Тажохули орифона кўлланган байтларда кўпинча махбуба кифоаси кифоасий холда тасвирланади, бир ёки бир неча нарсага ўхшатилади, лекин узил-кесил фикр билдирилмайди. Шоирнинг ўзини билиб билмасликка солиши шартли бўлиб, асл мақсад таъриф ёки тавсифдан, ёр кифоасини муболагали тарзда гавдалантиришдан иборат бўлади. Масалан, Лутфийнинг

Малак ё хур, билмон ё парисан?  
Бу рафтор ила ё кабки дарийсан?

байтида шоир маъшукани малак, хур, пари, кабки дарийларга ўхшатади-ю, аник кайси бири эканини таъкидламай, ўзини билмасликка солади. Аслида эса у махбубани шуларнинг барчасига кифоаслаб, унинг бенихоа гўзаллигига диққатимизни қаратаяпти. Атоийнинг

Менгларинг мушки Хўтан ё нуктаи жондур, бегим?  
Энглари варди Эрам ё боги ризвондур, бегим?

байтида махбуба менглари мушки Хўтанга, жон нуктасига, энглари эса Эрам атиргули, жаннат богига кифоас қилинади-ю, лекин кайси бирига ўхшаши аник айтилмайди. Чунки мақсад хар иккисига ташбих қилишдир. Шоир мах-буба менгларининг қоралик, хушбўйликда Хўтан мушкига, гўзалликда жон нуктасига, энгларининг эса ҳам Эрам атиргули, ҳам жаннат богига ўхшабини таъкидлаяпти, халос.